

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

МИРЗАЕВ ОТАБЕК АБДИРАХИМОВИЧ

**ЁНГОҚ ЧАҚИШ МАШИНАСИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**02.00.16 – Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш
жараёнлари ва аппаратлари (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Мирзаев Отабек Абдирахимович Ёнғоқ чақиш машинаси конструкциясини такомиллаштириш ва параметрларини асослаш.....	5
Мирзаев Отабек Абдирахимович Совершенствование конструкции машины раскалывания грецкого орехов и обоснование ее параметров.....	21
Mirzaev Otabek Abdirahimovich Improving the design of the walnut cracking machine and justifying its parameters	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	42

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

МИРЗАЕВ ОТАБЕК АБДИРАХИМОВИЧ

**ЁНҒОҚ ЧАҚИШ МАШИНАСИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**02.00.16 – Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш
жараёнлари ва аппаратлари (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Т878 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон машинасозлик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.bmti_info@edu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Баракаев Нусратилла Ражабович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қурбонов Жамшед Мажидович
техника фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Алишер Шоназарович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Бухоро муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «25» 09 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117 Бухоро, Қ.Муртазоев кўчаси, 15-уй. Тел.: (+99895) 604-44-70, факс: (+99865) 223-78-84, e-mail: bmti_info@edu.uz).

Диссертация билан Бухоро муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (59 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200117 Бухоро, Қ.Муртазоев кўчаси, 15-уй. Тел.: (+99895) 604-44-70, факс: (+99865) 223-78-84, e-mail: bmti_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «12» 09 куни тарқатилди.
(2020 йил «28» 08 даги № 1 рақамли реестр баённомаси).



С.Ф.Фозилов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
райси ўринбосари, т.ф.д., профессор

И.И.Мехмонов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
котиби, т.ф.н., доцент

Ш.М.Ходжиев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар райси, т.ф.н., доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида етиштирилаётган ёнғоқ маҳсулоти озиқ-овқат саноати учун хом ашё ҳисобланиб, ёнғоқни йиғиштириш ва қайта ишлашда асосан қўл меҳнатидан фойдаланилади. Шу сабабли ёнғоқни қайта ишлашда қўлланиладиган жиҳозларнинг иш унумдорлигини ошириш, энергия сарфини камайтириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга илмий тадқиқот ишлари қаратилмоқда.

Жаҳонда ёнғоқни қайта ишлашда кимёвий, физик ва механик хусусиятлари ва хоссаларини эътиборга олган ҳолда энергия-ресурс тежамкор, унумдорлиги юқори, оддий, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифатига таъсир қилмайдиган, автоматлаштирилган ихчам, универсал машина ва технологияларни яратиш йўналишида илмий тадқиқот ишларини амалга оширишни тақозо этмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш ва юқори самарадорликка эга бўлган ресурс тежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқишга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада мамлакатимизда етиштирилаётган ёнғоқнинг кимёвий, физик ва механик хусусиятлари ва хоссаларини эътиборга олган ҳолда мағизини пўчоғидан ажратиш учун зарур бўлган юқори унумли, металл ва энергия тежамкор, ихчам, бир неча технологик жараёнларни бажарувчи такомиллашган машиналарни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 18 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавот маҳсулотларини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ва 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёнғоқ чақиш машинаси конструкциясини такомиллаштириш, уларнинг иш кўрсаткичларини ўрганиш ва параметрларини асослаш бўйича M.Güner, M.A.Koyuncu, T.Liang, M.Ndukwu, S.Gharibzahedi, S.Z.Hussain, S.G.Zhao, A. Mokhtari Nahal, A.Ghafari, S.Ojolo, Cao Chengmao, Faroogh Sharifian, Н.В.Бышов, Роберт Лемос, Ю.И.Сухоруких, Ф.Боомер, В.К.Петров, Б.Ҳасанов, А.Абдурасулов, Д.Тўлаев, Х.Туркменов, А.Хуррамов, Б.Юсупов, И.Аширбеков, Д.Алижанов ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Улар томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш машина жихозларини илмий асослари, уларни ишлаб чиқариш технологиялари ва материаллари, уларнинг сифатини ўрганиш усуллари ва жихозлари, автоматик бошқарув усуллари ва системалари яратилган.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш технологиялари ва жихозларини такомиллаштириш, уларни моделлаштириш, хажмини ихчамлаштириш ва жаҳон стандартларига мослаш, кам энергия сарфлаган ҳолда юқори иш сифатини таъминловчи параметрларини асослаш борасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқотлари Андижон машинасозлик институти илмий тадқиқот ишлари режаларининг С201912183 рақамли «Энергия тежамкор ёнғоқ чақиш машинаси конструкциясини яратиш, тажриба намунасини тайёрлаш, синаш ва жорий этиш» (2020-2021) мавзусидаги амалий ва инновацион ҳамда Тошкент кимё-технология институти ва Гулистон давлат университети И-ОТ-2017-5-16 рақамли «Донни тозалаш технологик машиналарини фракциялаш ва аспирация тизимини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга қўллаш» (2017-2018), ФЗ-201812278 рақамли «Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини тозалайдиган универсал қурилманинг тажриба нусхаларини тайёрлаш» (2019-2020 йиллар) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёнғоқ чақиш машинаси конструкциясини такомиллаштириш ва параметрларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёнғоқ чақиш машинасининг такомиллашган конструкциясини яратиш учун маҳаллий ёнғоқ навларининг физик-механик хусусиятларини ҳудудлар кесимида аниқлаш;

ёнғоқни чақиш учун ишчи қурулманинг сиқувчи куч ва сиқиш масофаси қийматларини аниқлаш ҳамда қисувчи воронка тебранма ҳаракатини таъминлаш учун ҳаракатланиш тенгламасини тузиш;

ёнғоқ чақиш машинаси қисимларининг ёнғоқ билан ўзаро таъсирини аниқлаш орқали қисимлар шакли, тузилиши ва ҳаракат тенгламаларини ишлаб чиқиш;

ёнғоқни чақиш машинасининг кинематик ва технологик параметрларини асослаш;

ёнғоқ чақиш машинаси конструкциясини такомиллаштириш ва параметрларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти. Республикада етиштириладиган ҳар хил ўлчам ва қаттиқлик даражасига эга ёнғоқ навлари, бутун мағиз олиш жараёнини таъминлаб берувчи ёнғоқни чақиш технологик машинаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ёнғоқни чақиш технологик машинасининг кинематик ва технологик кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида математик таҳлил, назарий механика, математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш, физик-механик ҳамда мавжуд меъёрий хужжатларда (ГОСТ 32874-2014, ГОСТ 16833-2014) белгиланган усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёнғоқнинг қисувчи воронка билан ўзаро таъсирлашиш жараёнини ифодаловчи аналитик боғланишлар олинган ва улар асосида воронканинг мақбул параметрлари аниқланган;

сифатли мағиз олиш жараёнини таъминлашда ёнғоқнинг физик ва механик хоссаларига боғлиқ ҳолда зарурий куч қиймати аниқланган;

воронкаларнинг диск билан урилишларини инобатга олган ҳолда талаб этилувчи қувватнинг мақбул қийматини аниқлаш имконини берувчи ҳамда ишчи камеранинг лоток остидан ўтиш вақтига боғлиқ ҳолда ёнғоқни ишчи камерага тушиш даврини ифодаловчи математик тенгламалар ишлаб чиқилган;

барабаннинг айланишлар сони ҳамда воронканинг қисилмасофасини инобатга олган ҳолда кўп омилли тажрибалардан фойдаланиб регрессия тенгламалари олинган ва уларни ечиш орқали машина ишчи қисимларининг мақбул параметрлари аниқланган;

роторли принципда ишлайдиган, юқори унумдорликга эга, сифатли мағиз олиш жараёнини таъминлайдиган ёнғоқ чақиш машинасининг такомиллашган конструкцияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ёнғоқ чақиш технологик машинаси ишлаб чиқилган ва ишчи қисимларининг параметрларини ҳисоблашнинг усуллари такомиллаштирилган;

ёнғоқ чақиш мосламаси математик модели ва ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

ёнғоқ чақиш технологик машинаси учун механик ҳаракат узатувчи механизмлар асосланган ва танланган;

ёнғоқ чақиш технологик машинасининг конструкторлик ва техник хужжатлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, машинанинг параметрлари ва иш режимларини назарий жиҳатдан асослашда назарий механика ва олий математика қоидалари асосида амалга оширилганлиги, тажрибалар натижаларига математик статистика услублари билан ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган ёнғоқ чақиш технологик машинаси синовларининг ижобий натижалари ва амалиётда жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ёнғоқни чақиш жараёнларининг янги технологияси ва машинаси яратилганлиги ва машина деталлари билан ўзаро боғлиқликда ҳаракатланишини ҳисоблаш усулларининг илмий асоси яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган машина билан ёнғоқ чақиш жараёни қўлланилганда мағиз шикастланишини камайтирган ҳолда қобиқни синдириш жараёни аниқ бўлишини таъминлаш, меҳнат сарфини камайтириш, ёнғоқни қўл билан чақишдаги салбий оқибатларнинг олдини олиш, материал сарфи ва электр қуввати истеъмолини камайтириш, бундан ташқари, нисбатан кичик ишлаб чиқариш майдонини эгаллаш, иш унумини оширишга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёнғоқ чақиш машинасини такомиллаштириш ва параметрларини асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ёнғоқ чақиш қурилмасига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP06093, 2020 й.). Натижада, ёнғоқ мағизини қобиғидан бутун ҳолатда ажратиб олишга имкон берадиган ёнғоқ чақиш машинасининг конструкциясини ишлаб чиқиш имконини берган;

ёнғоқ чақиш машинаси ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун лойиҳа-конструкторлик хужжатлари ва ҳисоблаш усуллари «Андижон тажриба-синов заводи» АЖда лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 6 ноябрдаги 02/023-3512-сон маълумотномаси). Натижада, конусли қисқич, ёнғоқ чақиш мосламасини ва ишчи барабан ишлаб чиқиш, машина тайёрлаш ҳамда ишлаб чиқилган ёнғоқ чақиш машинаси қўл меҳнати билан бажариб келинаётган ишни 40% га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та республика ва 4 та халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 1 та ихтирога патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ёнғоқ чақиш технологик машиналарининг замонавий ҳолати ва ривожланиш тенденциялари**» деб номланган биринчи бобида мавжуд технологик машиналарнинг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари, шунингдек, улардан ёнғоқни чақишда фойдаланиш шартлари таҳлил қилинган.


Ёнғоқ чақиш машинасининг янги туркумини яратиш учун маҳаллий ёнғоқ навлари худудлар кесимида ўрганилган. Ёнғоқ чақиш машинаси конструктив схемаларининг таҳлили амалга оширилган.

Илмий манбаларнинг танқидий таҳлили, технологик жараён ва машиналарнинг замонавий ҳолатини ўрганиш асосида бугунги кунда қандалатчилик цехларини ривожлантириш ва сифатли маҳсулот яратишда тобора истиқболли йўналиш ёнғоқ чақиш машинасининг универсал, содда ва кўп функцияли жиҳозларини излаш зарурати аниқланган.

Диссертациянинг «**Ёнғоқ чақиш машинасининг параметрлари ва режимларини назарий тадқиқ қилиш**» деб номланган иккинчи бобида ёнғоқ мағизини қобиғидан ажратишда ишлатиладиган ёнғоқ чақиш машиналарини такомиллаштириш, ишлаб чиқиладиган машина конструкцияси ва ишчи қисмларининг параметрларини назарий жиҳатдан асослашга доир тадқиқот натижалари келтирилган.

Тадқиқотлар асосида айланма ҳаракат қилиб, роторли принципда ишлашга асосланган, чақиш мосламаларидан ташкил топган ва конусли воронкаларга эга бўлган ҳамда конуслар ички сирти сферик шаклли таянчни ҳосил қилган машинанинг конструкцияси ишлаб чиқилган (1-расм) ва Ўзбекистон Республикасининг № IAP 06093 ихтиро патенти олинган. Ишлаб чиқилган ёнғоқ чақиш машинаси мавжуд ёнғоқ чақиш машиналаридан

барабан айланма ҳаракатида қисувчи воронкалар диск орасидан ўтадиган қилиб ўрнатилганлиги, диск қисилмасоғасини соғлаш учун винт билан таъминланганлиги билан фарқ қилади.



1-расм. Таклиф этилаётган ёнғоқ чақилма машинасининг умумий кўриниш схемаси

Курилма куйидаги тартибда ишлайди: чақилмаган ёнғоқ бункер (1) дан лоток (2) орқали чақилма мосламаси (5) нинг қисувчи воронкаси (3) га келиб тушади. Иккита қисувчи воронка (3) ўзаро симметрик қилиниб, шарнир (14) лар ёрдамида мослама рамасига кўзгалувчан қилиб бириктирилган. Воронкалар ораси пружина (15) лар ёрдамида очилган ҳолда бўлиб, тушаётган ёнғоққа ҳалақит қилмайди. Барабан айланиши натижасида қисқичлар диск (11) орасидан ўтади. Бунда диск орасига мос келадиган даражада қисувчи воронкалар қисилади, натижада ёнғоқ қоғиғи чатнайди ва бўлакларга ажралади. Диск орасидан чиққан қисқичлар секин аста пружина (15) лар ёрдамида очилиб, унинг ичидаги бўлакларга бўлинган ёнғоқ қоғиғи ва мағиз курилма остидаги яшикка тушади. Ёнғоқнинг диаметр ўлчовларига боғлиқ ҳолда эзиш кучининг катта ёки кичиклиги винт (13) ёрдамида соғланади.

Қисувчи воронка конуссимон бўлиб, ички юзаси эса сферик шаклда тайёрланган. Бунинг натижасида чақилмаган ёнғоқ диаметрининг катта ёки кичиклигидан қатъий назар, қисқичнинг ён сиртига таяниб тўхтайдди. Бунинг учун қисқичнинг ҳар бир мм. га силжиши ёнғоқни эзиш билан боғлиқ бўлади. Яъни, ёнғоқнинг чақилмай қолиши ёки эзилиб кетишига йўл қўйилмайди.

1-расмда чақилма ва қисувчи диск бир қатор ёнғоқ чақилмага мўлжалланган курилма учун келтирилган. Ёнғоқ чақилма унумдорлигини ошириш учун бундай мослама ва дисклар жуфтлигидан исталган қаторда жойлаштирилиши мумкин.

Маҳаллий ҳудудларда этиштирилаётган ёнғоқларнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш учун ҳар хил навдаги ёнғоқлар танлаб олиниб

тахлиллар ўтказилган. Натижада ёнғоқ диаметрининг танланма ўртача қиймати 31-32 мм, оғирлиги 10-11 грам, қобик қалинлиги 2-3 мм ва намлик даражаси (ёнғоқ пишган вақтда) 15-20 % эканлиги аниқланган.

Ёнғоқ чақувчи машина механизм ва деталларининг ўлчамлари ёнғоқлар ўлчамларидан келиб чиқиб конструкцияланган. Чақиш мосламасининг геометрик ўлчамларини аниқлашда конструкция ўлчамлари ва воронкалар орасини ҳосил қилган ишчи камеранинг конуслик шаклидан фойдаланиб, белгилашлар киритиб (2-расм), математик ифодалар ёрдамида аниқланган.

$$|HS| = 63 \cdot \sin \alpha = 63 \cdot \sin 10^\circ = 63 \cdot 0,174 = 10,9 \text{ мм}$$

$$|JM| = 45 - 2|HS| = 45 - 2 \cdot 10,9 = 23,2 \text{ мм}$$

$$\frac{|OH|}{|OA|} = \operatorname{tg} \alpha, \quad \operatorname{tg} \alpha = \frac{\sin \alpha}{\cos \alpha} = \frac{\sin 10^\circ}{\cos 10^\circ} = \frac{0,174}{0,985} = 0,177, \quad \frac{22,5}{|OA|} = 0,177$$

$$|OA| = \frac{22,5}{0,177} = 127,1 \text{ мм}; \quad |TG| = |OA| - 63 - 36 = 28,1 \text{ мм}$$

$$\begin{cases} |JH| \cos \alpha = 63 \\ |JA| \cos \alpha = 64,1 \end{cases} \Rightarrow \frac{JH}{JA} = \frac{63}{64,1}$$

$$|JH| = |JA| \frac{63}{64,1} = \frac{|AT|}{\cos \alpha} \cdot \frac{63}{64,1} = \frac{64,1}{\cos 10^\circ} \cdot \frac{63}{64,1} = 63,9 \text{ мм}$$

$$\frac{|SH|}{|JH|} = \frac{x}{|PH|} \quad \text{бунда } x = |JH| \sin \alpha - |PH| \sin \alpha$$

$$|PH| = \frac{|JH|}{|SH|} \cdot x = \frac{|JH|}{|SH|} \cdot (|JH| \sin \alpha - |PH| \sin \alpha) \quad (1)$$

$$|PH| = \frac{|JH|^2}{|SH|} \cdot \sin \alpha - \frac{|JH|}{|SH|} \cdot |PH| \sin \alpha$$


$$|PH| = \frac{\frac{|JH|^2}{|SH|} \cdot \sin \alpha}{\left(1 + \frac{|JH|}{|SH|} \cdot \sin \alpha\right)} = \frac{\frac{|JH|^2}{|SH|} \cdot \sin \alpha}{\left(\frac{|SH| + |JH| \sin \alpha}{|SH|}\right)} = \frac{|JH|^2 \cdot \sin \alpha}{(|SH| + |JH| \cdot \sin \alpha)}$$

Бунда $|SH| = 10,9$ мм, $|JH| = 63,9$ мм, $\alpha = 10^\circ$.


У ҳолда, $|PH| = 32$ мм

$$|JP| = |JH| - |PH| = 63,9 - 32 = 31,9 \text{ мм}$$

$$|AP| = |AJ| + |JP| = 65,1 + 31,9 = 97 \text{ мм}$$



2-расм. Воронка ўлчамларини аниқлаш схемаси



3-расм. D нуктага боғлаб воронка ўлчамларини аниқлаш схемаси


Демак,

$$|PR| = |AP| \cdot \beta \quad (2)$$


$$\beta = \frac{|PR|}{|AP|} = \frac{2}{97} = 0,0206 \text{ рад}$$

$$\beta^\circ = \frac{\beta \cdot 180^\circ}{\pi} = \frac{0,0206 \cdot 180^\circ}{3,14} = 1^\circ 11'$$

Демак $|AP|$ қисм 2 мм га қисилиш учун $\beta^\circ = 1^\circ 11'$ га бурилиши керак



4-расм. Воронка ҳаракатида ўзгарадиган ўлчамларни аниқлаш схемаси



5-расм. Ёнғоқнинг мосламага тушиш жараёни схемаси

4-расмда белгиланган нукталар бўйича тенгламалар тузиб, воронканинг ҳаракатдаги ўлчамларини аниқлаймиз.

$$|AU| = |AH| - |HU| \quad (3)$$

$$|AH| = \sqrt{|AO|^2 + |OH|^2} = \sqrt{127,1^2 + 22,5^2} = 129 \text{ мм}$$

$$|AU| = 129 - 10 = 119 \text{ мм}$$

$$\frac{|AP|}{|PR|} = \frac{|AU|}{|UK|} \Rightarrow |UK| = \frac{|AU|}{|AP|} |PR| = \frac{119}{97} \cdot 2 = 2,45 \text{ мм}$$

Демак, ёнғоқ бир томондан 2 мм. га қисилиши учун диск воронкани 2,45 мм. га қисади.

Воронка ёнғоқни 2 мм. га қисишида пружинани чўзилиш масофасини ҳисоблаймиз.

$$S = |DSh| \cdot \alpha \quad (4)$$

$$\alpha = \frac{S}{|DSh|} = \frac{S_1}{|DI|} \quad (5)$$

$$S_1 = \frac{|DSh|}{|DI|} \cdot S \quad (6)$$

бунда,

α -ёнғоқни S масофага қисишдаги бурчак;

$|DI|$ - D нуқтадан пружина марказигача бўлган масофа; $|GI| = 46$ мм,
 $|DG| = 56$ мм.

У ҳолда,

$$|DI| = \sqrt{|GI|^2 + |DG|^2} = 72,47 \text{ мм}$$

бўлади.

S_1 -воронка пружинани бир томондан чўзишидаги масофа.

$$|DSh| \cdot \sin \gamma = |GO| \Rightarrow |DSh| = \frac{|GO|}{\sin \gamma} = 102,5 \text{ мм}$$

$$|GO| = |AO| - a = 127,1 - 36 = 91,1 \text{ мм}$$

бунда,

γ - $|DSh|$ масофанинг вертикал ўққа нисбатан бурчаги; $\gamma = 62^\circ 42'$.

10 – тенгликка аниқланган қийматларни қўйиб ҳисоблаймиз:

$$S_1 = \frac{|DSh|}{|DI|} \cdot S = \frac{102,5}{72,47} \cdot 2 = 1,4 \text{ мм}$$

У ҳолда, пружинанинг умумий чўзилиши $x = 2,8$ мм. бўлади.

Машина самарали ишлаши учун ишчи камерага ёнғоқ вақтида кириб туриши зарур. Шундан келиб чиқиб ишчи камерани лоток остидан ўтиш вақтига боғлиқ ҳолда ишчи камерага ёнғоқни кириш вақти ҳисобланди.

$$\bar{F} \leq \bar{Q}$$

бунда

F – ёнғоқнинг марказдан қочма кучи;

Q – ёнғоқнинг оғирлиги.

Назарий механика формулаларидан фойдаланиб ёнғоқнинг марказдан қочма кучи ва ёнғоқ оғирлигини аниқлаш формуласини қуйидагича ифодалаймиз.

$$F = \frac{m \cdot v^2}{R} \quad (7)$$

$$Q = m \cdot g \quad (8)$$

бунда

m – ёнғоқ массаси;

R – барабан радиуси;

v – чизиқли тезлик;

g – эркин тушиш тезлиши.

(7) формула билан (8) формулани тенглаштириб, ёнғоқни қисқич воронкаси ичида турган ҳолатидаги чизиқли тезлигини топамиз:

$$\frac{m \cdot v^2}{R} = m \cdot g$$

$$v = \sqrt{R \cdot g} \quad (9)$$

бунда,

барабан радиуси 0,25 метрга тенг.

(9) га қийматлар қўйиб ҳисобланса, $v = 1,57$ м/сек ёнғоқнинг муаллақ ҳолатдаги тезлиги келтириб чиқарилади.

Бункердан чақиш мосламасига ёнғоқнинг тушиш тезлигини ҳисоблашда, тажриба ўтказиш йўли билан аниқланган конструктив параметрлардан фойдаланилади:

1. Ёнғоқ тушиш лотоги узунлиги $l=0,4$ м;

2. Лотокнинг қиялик бурчаги $\alpha=60^\circ$

3. Ишқаланиш коэффициенти: ёнғоқ пўлат устида думалаб тушганлиги сабабли тажриба йўли билан аниқландики, $f=0,02$ қабул қилиш тавсия этилади.

Думалашдаги ишқаланиш коэффициенти фақат материал туригагина боғлиқ бўлиб қолмай, балки намликка, босимга ва хароратга ҳам боғлиқдир. Бир қанча ёнғоқларни пўлат лотокда (60°) думалатиб, ишқаланиш коэффициенти аниқланди. Ҳисоблаш учун мақбул қиймати танлаб олинди.

Ёнғоққа $P=mg$ оғирлик кучи, N қия текисликнинг нормал реакция кучи ва $F_{ish}=fN$ ишқаланиш кучлари таъсир этади. P кучни қия текислик бўйича ва унга перпендикуляр йўналишда P_1 ва P_2 ташкил этувчиларга ажратилади. У ҳолда:

$$P_1=mg \sin\alpha, \quad P_2=mg \cos\beta \quad (10)$$

бўлади. Бинобарин нормал реакция кучи

$$N=P_2=mg \cos\alpha$$

ва ишқаланиш кучи

$$F_{ish}=f mg \cos\alpha \quad (11)$$

формуладан аниқланади.

Ёнғоқ s йўлни ўтишида кинетик энергиясининг ўзгариши ҳақидаги теоремадан фойдаланилганда:

$$\frac{mv^2}{2} - \frac{mv_0^2}{2} = P_1 \cdot s - F_{ish} \cdot s \quad (12)$$

ёки

$$\frac{mv^2}{2} - \frac{mv_0^2}{2} = mgs(\sin \alpha - f \cos \alpha) \quad (13)$$

бундан

$$v = \sqrt{v_0^2 + 2gs(\sin \alpha - f \cos \alpha)} \quad (14)$$

14-ифодага белгилашлар киритамиз.

$$A = 2g(\sin \alpha - \delta \cos \alpha), \quad B = v_0^2$$

$$v = \sqrt{As + B} \quad (15)$$

15-тенгликдан хосила оламиз:

У холда,

$$ds = \sqrt{As + B} dt \quad (16)$$

бўлади.

16-ифодани вақтга нисбатан интеграллаймиз

$$t = \int \sqrt{\frac{ds}{\sqrt{As + B}}} = \begin{cases} \sqrt{As + B} = x \\ x^2 = As + B \\ s = \frac{x^2 - B}{A} \\ ds = \frac{2x}{A} dx \end{cases} = \int \sqrt{\frac{2x}{x^2}} = \frac{2}{A} \int \frac{1}{x} dx = \frac{2}{A} \ln|x|$$

$$e^t = (\sqrt{As + B})^{\frac{2}{A}} \rightarrow e^{\frac{A}{2}t} = \sqrt{As + B}; \quad e^{At} = As + B$$

$$s = \frac{e^{At} - B}{A} \quad (17)$$

$A = 2g(\sin \alpha - \delta \cos \alpha)$, $B = v_0^2$ $v_0 = 0$ эканлигидан 17- тенгликни ҳисоблаймиз.

$$s = \frac{e^{At} - B}{A} = \frac{e^{2g(\sin \alpha - \delta \cos \alpha)t}}{2g(\sin \alpha - \delta \cos \alpha)}$$

Демак, ҳисоблашлар натижасида маълум бўладики, барабан тезлигидан келиб чиқиб, ҳар бир ишчи камеранинг лоток остига тўғри келадиган вақти $t = 0,125$ секундга тенг. Ёнғоқ бункердан ишчи камерага $t = 0,125$ секундда кириб туриши учун лоток узунлиги $l=400$ мм. бўлишлиги етарли бўлди.

Ушбу механизм учун талаб этилган қувватни ҳисоблашда 6-расмдаги кинематик схемадан фойдаланилди.

7 – расмдан фойдаланиб таъсир кучини аниқлаймиз.

$$F_y = F_{dv} \cdot \sin \alpha \quad (18)$$

Воронканинг диск билан уринишдаги бажарилган иш қуйидагига тенг бўлади:

$$\delta A_y^1 = F_{dv} \sin \alpha \delta \varphi \quad (19)$$

19 - ифода воронканинг бир томони учун.
У ҳолда, воронканинг икки томони учун

$$\delta A_y = 2F_{dv} \sin \alpha \delta \varphi \quad (20)$$

бўлади.

20 - ифодани интеграллаймиз

$$\int \delta A_y = \int_0^{9^\circ \frac{\pi}{180^\circ}} 2F_{dv} \sin \alpha \delta \varphi = 2F \sin \alpha \Delta \varphi \quad (21)$$

бунда:

α - воронканинг диск қисишдаги қиялик бурчаги,

$$\operatorname{tg} \alpha = \frac{2,45}{26} = 0,09$$

$$\alpha = \operatorname{arctg} 0,09 = 5^\circ$$


φ - битта воронканинг диск орасига кириб чиқиб кетишдаги бурилиши,

$$c = R \cdot \varphi \cdot \frac{\pi}{180} \Rightarrow \varphi = \frac{0,04 \cdot 180}{0,25 \cdot 3,14} = 9^\circ \quad (22)$$


бўлади.

бунда, c – воронканинг диск билан уринишдаги йўли; (40 мм),

R – барабан радиуси; (250 мм).



6-расм. Ёнғоқ чақиш машинасининг кинематик схемаси



7-расм. Воронканинг диск билан уриниш схемаси

Битта воронка учун бажарилган иш,

$$A^{1vor} = 2F \sin \alpha \left(9^\circ \frac{\pi}{180^\circ}\right) = 2F \sin \alpha \cdot 0,157 = 0,314F \sin \alpha \quad (23)$$

Саккизта воронка учун бажарилган иш,

$$A = 8A^{1vor} = 2,5F \sin \alpha \quad (24)$$

Талаб этилган қувват қуйидагича топилади:


$$P = \frac{dA}{dt} = \frac{dA}{dt} \frac{d\varphi}{d\varphi} = \omega_{bar} \frac{dA}{d\varphi} = \omega_{bar} \cdot 2,5F \sin \alpha =$$

$$= 6,28 \cdot 2,5 \cdot 460 \cdot \sin 5^\circ = 628 \text{ Вт}$$


Демак, ҳисоблашлар натижасида машина учун қувват $P = 628$ Вт эканлиги келиб чиқди.

Диссертациянинг «**Экспериментал тадқиқот методикаси ва ёнғоқ чақиш машинасининг ишчи органлари конструктив параметрларини аниқлаш**» деб номланган учинчи бобида ёнғоқ чақиш технологик машинасининг ишчи органлари параметрларини экспериментал тадқиқ қилиш бўйича вазифалар доираси белгиланган. Маҳаллий ёнғоқ навларининг механик хоссаларини аниқлашга оид экспериментал тадқиқотлар методикаси келтирилган. Ёнғокни қисиб чақиш бўйича деформациялар таъсир кучини аниқлаш WP 300 илмий-техник универсал қурилмаси орқали статик юклама таъсирида ёнғокнинг турли даражадаги намликларида амалга оширилди. Ўтказилган бирлик ёнғокларни сиқиш масофасига оид тажриба-синовлар куч ва сиқиш масофаси натижалари бўйича сиқиш деформациялари диаграммаси чизилди.

8-расмдаги графикдан кўринадикки, қаттиқ қобикли ёнғоқ қобиғини сферик таянч орасида синдириб, майдалаш учун таъсир кучи 784 Н, сиқиш деформация эса 3,75 мм. ни ташкил қилади. Лекин қобик мағиздан тўлиқ ажралиши учун сиқиш масофаси 4 мм. бўлиши экспериментлардан аниқланди. Ушбу деформация машина қисқичида назарий белгиланган қисиб масофасига мос келади.



8-расм. Ёнғоқ чақиш жараёнида сферик таянчнинг куч (F) ва сиқиш деформацияси (S) га боғлиқлик графиги



9-расм. Ёнғоқ чақилиш жараёнида текис юзали таянчнинг куч (F) ва сиқиш деформацияси (S) га боғлиқлик графиги

9-расмдаги графикда текис юзали таянч орасида ёнғоқ чақилганда таъсир кучи 690 Н, сиқиш деформацияси 6,35 мм. бўлишини кўриш мумкин. Тажрибалар нам, қуритилган ва ўртача намликдаги ёнғоклар учун амалга оширилганда, деформация миқдори ўзгариши кузатилди. Сферик шаклли таянч орасида ёнғоқ чақилганда мағиз сифат кўрсаткичи текис таянчга нисбатан 1,2 баробарга юқори бўлиши аниқланди.

Оғирлик кучидан фойдаланиб ёнғоқ қобиғининг мустаҳкамлик даражаси аниқланди:

1-жадвал

Ёнғоқ қобиғи мустаҳкамлик чегараси

Ёнғоқ нави	Қобикнинг дарз кетиши		Қобикнинг чақилиши		Қобикнинг эзилиши	
	h, мм	Q, Н/мм ²	h, мм	Q, Н/мм ²	h, мм	Q, Н/мм ²
Қалин қобик, (2,5-3,5 мм)	160	0,119	173	0,129	180	0,134
Ўрта қалин қобик, (2-2,5 мм)	130	0,097	138	0,103	147,5	0,110
Юпқа қобик (1,5-2 мм)	99,25	0,074	108	0,080	114,6	0,085


1-жадвалдан кўриш мумкинки, қалин қобикли ёнғоқ қобиғининг мустаҳкамлик чегараси 0,119 Н/мм² ни, ўртача қалинликдаги ёнғоқ қобиғининг мустаҳкамлик чегараси 0,097 Н/мм² ни, юпқа қобикли ёнғоқ қобиғининг мустаҳкамлик чегараси 0,074 Н/мм² ни ташкил қилди.

Ёнғоқ қобиғи қалинлигига боғлиқ ҳолда, сферик шаклли таянчлар орасида ёнғоқ чақилгандаги кучнинг ўзгаришини ифодаловчи эмпирик тенглама ишлаб чиқилди.

$$F = 66,75 + 249,14 \cdot t \quad R^2 = 0,97; \quad (H) \quad (25)$$

бунда, t – қобик қалинлиги, мм.

Қобик қалинлиги ортиб борган сари, чақувчи куч ҳам ортиб боради.



10-расм. Ёнғоқ қобиғининг қалинлиги (t) га боғлиқ ҳолда ёнғоқни чақувчи куч (F) қийматининг ўзгариши

10-расмдан кўришимиз мумкинки, ёнғоқ қобиғини бўлақларга ажратиш учун таъсир этувчи куч қиймати қобик қалинлигига боғлиқ бўлиб, юпқа қобикли ёнғоқлар учун 200-460 Н, ўрта қалин қобикли ёнғоқлар учун 460-800 Н, қалин қобикли ёнғоқлар учун 800-900 Н бўлади.

Кўп омилли тажриба натижаларига кўрсатилган тартибда ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват ифодаловчи қуйидаги регрессия

тенгламалари олинди:

- машина энергия сарфи бўйича (Вт)

$$Y_1 = 40,6 + 9,43X_1 + 5,3X_2 + 0,021X_3; \quad (26)$$

- машина иш унумдорлиги бўйича (кг/соат)

$$Y_2 = 136,65 + 2,6X_1 + 4,5X_2 - 1,51X_3; \quad (27)$$

- мағиз сифат кўрсаткичи бўйича (%)

$$Y_3 = 10,56 + 0,21X_1 + 0,51X_2 + 3,2X_3; \quad (28)$$

Регрессия тенгламаларини биргаликда ечишда Y_1 мезон, яъни барабан айланишлар сони 60 айл/мин. да машина звенolari бир-бири билан мос ҳолатда ишлаши ҳамда энергия сарфи 628 Вт. дан катта бўлмаслиги, Y_2 мезон, яъни иш унумдорлиги 280 кг/соат дан кам бўлмаслиги ҳамда Y_3 мезон, яъни мағиз сифат кўрсаткичи 75% дан кам бўлмаслиги шартлари қабул қилинди. Олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал.

Ёнғоқ чақиш машинасининг мақбул қийматлари

$n(X_1)$		$s(X_2)$		$W(X_3)$	
Квадратик четланиш	Натурал, айл/мин	Квадратик четланиш	Натурал, мм	Квадратик четланиш	Натурал, (%)
-7,0	53	-1,41	2,605	-6,22	8,827
0,0	60	0,00	4,015	0,00	15,047
7,0	67	1,41	5,425	6,22	21,267

Регрессия тенгламалари ва ҳисобланган параметрларнинг сонли қийматларини таҳлилидан келиб чиқиб, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- ишчи барабан айланишлар сонини ортиши машина иш унумдорлиги ва энергия сарфини ортишига, мағиз сифат кўрсаткичларини камайишига олиб келган;

- воронка қисиш масофаси ортиши билан ёнғоқни чақилмай қолиш ҳолати камайган натижада унумдорлик ортган, лекин мағиз эзилиш даражаси ортиб борганлиги учун мағиз сифат кўрсаткичи пасайган. Бундан ташқари энергия сарфи ҳам ортган;

- ёнғоқ намлик даражасини ортиши билан мағизни уваланиш даражаси пасайган, натижада сифат кўрсаткичи яхшиланган, энергия сарфи ортган, унумдорлик олдин ортган, кейин камайган.

Диссертациянинг «Ишлаб чиқилган янги ёнғоқ чақиш машинасининг техник-иқтисодий асосланиши» деб номланган тўртинчи бобида ёнғоқ чақиш машинасининг қисқача техник тавсифи, синов натижалари ва унинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган. Машинанинг тажриба нусхаси синовларда белгиланган технологик жараёни ишончли бажарди ва унинг иш кўрсаткичлари қўйилган талабларга тўлиқ мос келди. Ёнғоқ чақиш машинаси 280 кг/соат самарадорликда ишлаб, инсон қўл

меҳнатини бир-неча баробарга енгиллаштиради. Амалдаги ёнғоқ чақиш машинасига нисбатан 55 % га унумдорлиги юқори ва битта машинадан ойига 8 млн. сўм иқтисодий самара олиш имконини берди.

ХУЛОСА

1. Маҳаллий ҳудудларда етиштирилаётган ёнғоқларнинг ўртача диаметри 31-32 мм, оғирлиги 10-11 грамм, қобиқ қалинлиги 2-3 мм ва намлик даражаси (ёнғоқ пишган вақтда) 15-20 % эканлиги изоҳланди.

2. Ёнғоқни мустаҳкам ушлаб туришга асосланган, конструкцияси конуссимон ва ички сирти сферик шаклга эга бўлган воронка типдаги механизм ишлаб чиқилган ва воронканинг ички сферик сирти чуқурлиги 8 мм бўлиб, чақиш жараёнида танлаб олинган ёнғоқларнинг 45-57 % юзасини қамраб олиши кўрсатилди.

3. Конусли воронка ичида ёнғоқ ўлчамларига мос ҳолатда қисилиб чақилиши учун воронканинг юқори қисми ички деворлари ораси 45 мм, пастки қисми ички деворлари ораси 23 мм, воронка баландлиги 63 мм ва воронка ички конуслик бурчаги $\alpha=10^\circ$, ёнғоқ меъёрида чақилиши учун қисқичнинг конусли воронкаси бир томондан 2 мм масофага силжишида $1^\circ 11'$ га бурилиб қисилиши билан изоҳланади.

4. Воронка ичида жойлашган ёнғоқ бир томондан 2 мм масофага қисилиши учун диск воронкани 2,45 мм. га суриши ва пружина 1,4 мм. га чўзилишини аниқловчи математик ифодалар тавсия этилди.

5. Ишчи барабан айланишлар сони 60 айл/мин, барабан диаметри 50 см, ишчи камерани лоток остидан ўтиш вақти ва бункердан ишчи камерага ёнғоқнинг тушиш вақти 0,125 секунд бўлиши учун лоток қиялик бурчаги 60 градус ва узунлиги 40 см бўлишлигини аниқлашнинг математик ифодалари тавсия этилди.

6. Ёнғоқни чақувчи куч қиймати қобиқ қалинлиги ва куч қўйилган таянч шаклига боғлиқ бўлиб, сферик таянчлар орасида 32 ± 2 мм ўлчамдаги ёнғоқлар чақилганда, юпқа қобиқли ёнғоқлар учун 200-460 Н, қобиғи ўртача қалинликдаги ёнғоқлар учун 460-800 Н, қалин қобиқли ёнғоқлар учун 800-920 Н куч бўлиши тавсия этилди.

7. Эксперимент учун танлаб олинган ёнғоқларнинг қобиғи қалинлиги 2-3 мм ва диаметри 32 ± 2 мм бўлиб, мағизни қобиқдан сифатли ажратиб олиш ҳамда кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасидаги иш сифатини таъминлаши учун машина ишчи барабани 60 айл/мин, воронка қисиш масофаси 4 мм ва ёнғоқ намлик даражаси 15-17 % оралиғида бўлиши тавсия этилди.

8. Ёнғоқни эзиб чақиш усули асосида ротацион принципда ишлайдиган, ёнғоқни маълум куч билан қисиб чақувчи технологик машинанинг такомиллаштирилган конструкцияси тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ БУХАРСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

АНДИЖАНСКИЙ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

МИРЗАЕВ ОТАБЕК АБДИРАХИМОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КОНСТРУКЦИИ МАШИНЫ
РАСКАЛЫВАНИЯ ГРЕЦКОГО ОРЕХА И ОБОСНОВАНИЕ ЕЕ
ПАРАМЕТРОВ**

**02.00.16 –Процессы и аппараты химической технологии и пищевых
производств**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.3.PhD/T878.

Диссертация выполнена в Андижанском машиностроительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.bmti_info@edu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Баракаев Нусратилла Ражабович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Курбонов Жамшед Мажидович
доктор технических наук, профессор

Абдуллаев Алишер Шоназарович
доктор технических наук

Ведущая организация:

**Ташкентский государственный
технический университет**

Защита диссертации состоится «25» 09 2020 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.101.01 при Бухарском инженерно-технологическом институте (Адрес: 200117, г. Бухара, ул. Каюма Муртазаева, 15. Тел.: (+99895) 604-44-70, факс: (+99865) 223-78-84, e-mail: bmti_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского инженерно-технологического института (регистрационный номер 59). Адрес: 200117, г. Бухара, ул. Каюма Муртазаева, 15. Тел.: (+99895) 604-44-70, факс: (+99865) 223-78-84, e-mail: bmti_info@edu.uz.

Автореферат диссертации разослан «12» 09 2020 года.
(Протокол рассылки №. 1 «28» 08 2020 года).



С.Ф.Фозилов
Заместитель председателя научного совета
по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор

И.И.Мехмонов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, к.т.н., доцент

Ш.М.Ходжиев
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученой степени, к.т.н., доцент

ВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации.

Сегодня орех, выращиваемый во всем мире, является сырьем для пищевой промышленности. Данное исследование выполнено с целью повышения эффективности оборудования, используемого при переработке орехов, снижение энергопотребления, улучшение качества продуктов и обеспечение безопасности пищевых продуктов.

С учетом химических, физико-механические свойств переработки грецкого ореха, в мире проводятся научные исследования по созданию энергоэффективных, высокопроизводительных, простых, автоматизированных компактных, универсальных машин и технологий, не влияющих на качество продукции.

В республике большое внимание отводится мерам по сокращению затрат труда и энергии при выращивании сельскохозяйственной продукции, экономии ресурсов и разработки высокоэффективных ресурсосберегающих методов и технологий. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах отмечаны задачи, среди которых «...модернизация сельского хозяйства, последовательное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, использование высокопроизводительной сельскохозяйственной техники»¹

В связи с этим одной из важных задач отрасли является создание высокопроизводительных, металло- и энергосберегающих, компактных, современных машин, выполняющих несколько технологических процессов с учетом химических, физико-механических свойств грецких орехов, выращиваемых в нашей стране.

Исследования данной диссертации в определенной степени служат выполнению поставленных задач, предусмотренных Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № ПП-2789 от 18 февраля 2017 года «Дальнейшее совершенствование Академии наук. ПФ-5388 от 29 марта 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию плодоовощного производства в Республике Узбекистан» и ПП-4406 от 29 июля 2019 года «О глубокой переработке сельскохозяйственной продукции и о дополнительных мерах по дальнейшему развитию пищевой промышленности», а также в других нормативных правовых актах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.

Это исследование является частью II, реализуемого приоритетного направления «Энергетика, энергосбережение и ресурсосбережение».

¹Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 07 февраля 2017 года “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”.

Степень изученности проблемы. Исследованием совершенствования машин, изучением их характеристик и обоснования их параметров для раскалывания орехов занимались, как зарубежные, так и отечественные ученые: M.Güner, M.A.Koyuncu, T.Liang, M.Ndukwu, S.Gharibzahedi, S.Z.Hussain, S.G.Zhao, A. Mokhtari Nahal, A.Ghafari, S.Ojolo, Cao Chengmao, Faroogh Sharifian, Н.В. Бышов, Роберт Лемос, Ю.И. Суксорукиш, Ф. Бумер, В.К. Петров, Б.Хасанов, А.Абдурасулов, Д.Тўлаев, Х.Туркменов, А. Хуррамов, Б. Юсупов, И. Аширбеков, Д. Алиджанов и другие. Учеными созданы системы и способы автоматического управления, способы изучения качества материалов и устройств, технологии их производства, а также научные основы машин и устройств переработки сельскохозяйственных продуктов.

Ведутся научные исследования по совершенствованию и обоснованию параметров устройств по технологии переработки сельскохозяйственных продуктов, обеспечивающих высокое качество работы, с низкими энергозатратами, их моделирования, компактность объема и соответствие мировым стандартам.

Связь диссертационного исследования с планом научно-исследовательской работы вуза, в котором выполнена диссертация.

